

БИЗ ЯШАЙДИГАН ҮЙ

*Маърифий мавзудаги наир**

МУНДАРИЖА:

- ✓ Ўз ҳисобидан ҳисоблагич
- ✓ Квартирада электр ҳисоблагич ўрнатиш мумкинми?
- ✓ Электр ҳисоблагич носозлигида кафолат муддати
- ✓ Электр ҳисоблагич қачон қиёсланади?
- ✓ Электр шчитни ким таъмирлайди?
- ✓ «Ақлли» ҳисоблагич. Унинг кўрсатмаларини қандай қилиб олиш мумкин?
- ✓ Қайта ҳисоб-китоб қилишдан бош тортяптилар
- ✓ Электр ҳисоблагич ўрнатамиш: истеъмолчилар учун ўйриқнома

Шу соннинг мавзуси: УЙИНГИЗГА НУР ТЎЛСИН
ЎЗ ҲИСОБИДАН ҲИСОБЛАГИЧ

Кўп тошкентликлар 20 йилча олдин пойтахтда кўп квартирали уй-жойлардаги зинапоя майдончаларига ўрнатилган индукцион электр ҳисоблагичларни ўғирлаш ҳоллари кўпайганигини эслайдилар. Ҳозирга қадар улар учун ўша воқеаларнинг асорати сезилади. Ўша вақтларда электр энергиясини ҳисобга олуви асбоблар республикага четдан олиб келинар, ҳали мамлакатда ишлаб чиқарилмас эди. Вақтинча юзага келган электр ҳисоблагичларнинг тақчиллиги шароитида ўғирлик қурбонига айланган айрим абонентлар электр энергияси учун шаҳар ҳокимлиги тасдиқлаган вақтинча шкаласи бўйича ҳақ тўлай бошладилар. Электр энергиясидан ҳисоблагичсиз вақтинча фойдаланишини энергия таъминоти ташкилоти билан келишиш зарур эди.

Ушбу вазият ўз вақтида АВ томонидан 16.01.1997 йилда 298-сон билан рўйхатдан ўтказилган (**28.08.2010 йилда ўз кучини ўйқотган**) Maiشний абонентлар билан электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш қоидаларида ўз аксини топган эди. Ушбу Қоидаларнинг 2.1.4-бандида белгиланишича, электр энергиясидан ҳисоблагичсиз вақтинча фойдаланганда энергия таъминоти корхонасининг рухсати билан майший абонентлар билан ҳисоб-китоблар маҳаллий ҳокимликлар томонидан тасдиқланган шкала бўйича, турар жойларнинг тоифасига (хоналар сони, кондиционерларнинг борлиги) боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Энергия таъминоти ташкилотлари ҳисобга олуви асбобларсиз вақтинча энергия истеъмоли далилларини ҳужжатлаштирганлар, уларни мажбурий тарзда ўрнатиш санасини белгилаганлар. Электр энергиясидан ҳисоблагичларсиз фойдаланиш қисқа даврга мўлжалланган вақтинча вариант, форс-мажор, қоидалардан истисно бўлиб, меъёрга айланниб қолиши мумкин эмас эди. Бироқ, ҳужжат бекор қилинганинг қарамай, айрим абонентлар ҳозирга қадар ҳисоблагичсиз электр энергиясидан фойдаланишида давом этяпти, энергия учун аввалгидек ҳисоб-китоб қиляпти.

Бизнинг 4 қаватли уйимиздаги кўшниларнинг бир қисми ўтган асрдаёқ электр ҳисоблагичларни ўғирлашлардан азият чеккан ана шундай қоидабузарлар жумласига тушиб қолди. Уларнинг баъзилари янги ҳисобга олуви асбобларни ўрнатишиди. Бошқаларда эса бунга вақт ҳам, хоҳиш ҳам йўқ эди. Улар бу ишни серташвиш ва сансалор иш деб ҳисоблаб, югар-югарни, расмийлаштиришини хоҳламадилар - ҳамма ишни кейинга сурдилар. Вақт



үтиши билан абонентларнинг ушбу тоифаси сафига эски индукцион ҳисоблагичлари ишдан чиқсан кишилар ҳам кўшилишиди. Анча онгли фуқаролар уларни замонавий ҳисоблагичларга алмаштирилар. Онгиз фуқаролар эса чироқ учун вақтинча шкала бўйича тўлашда давом этиб, белгиланган тартибни бузувчи шахсларга айландилар.

Чилонзордаги 72 квартирали тўрт қаватли уйимизнинг электр ҳисоблагичлар билан жиҳозланганлиги мониторинги зинапоя хоналаридаги электр шчитларда 32 та ҳисобга олуви асбоб (41%) етишмаётганлигини кўрсатди. Шчитларда мавжуд бўлмаган ҳисоблагичларнинг бир қисми квартираларга ўрнатилган. Бироқ бу ҳам қоидабузарликдир.

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

Қонун ҳужжатларига кўра улар белгиланган жойларда – зинапоя майдончаларидаги шчитларда жойлашиши керак.

Демак, уйимизда яшовчиларнинг бир қисми энергия тежамкорлиги устувор вазифалардан бири деб белгиланган энергетика секторини ислоҳ қилиш жараёнидан четда қолган. Эҳтимол, бу гапимиз ҳаддан ташқари баландпарвоз кўринар. Битта уй – фақат битта кичик бўғин, микродараҷа. Бироқ бундай типик кўп қаватли уйлар пойтахтдаги кўп квартирали уй-жой фондининг асосини ташкил этади.

Энергия таъминоти ташкилоти учун ҳисоблагичсиз абонентлар билан ҳисоб-китоб қилиш тижорий талафот келтиради, зеро истеъмолнинг реал ҳажмлари анча кўп. Агар кишилар ҳисобга оловчи асбобларга эга бўлмасалар, уларни энергия ресурсларини тежаш муаммоси қизиқтирмайди.

2009 йилда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари¹ (бундан кейин – Қоидалар) қабул қилинди. Унда белгиланишича, истеъмолчилар мажбурий тартибда ҳисоблагичлар билан таъминланган бўлишлари керак. Бунинг устига, Электр энергияси истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимиға (АСКУЭ) мувофиқ келадиган электрон ҳисоблагичлар билан (Қоидаларнинг 39-банди). Қоидаларда назарда тутилишича, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси (ҲЭТК), агар истеъмолчидан Ўзстандарт томонидан текширилган ҳисобга оловчи асбоб мавжуд бўлмаса, электр энергиясини етказиб беришни тўхтатиш ҳуқуқига эгадир (Қоидаларнинг 129-банди).

Ҳисоблагичга эга бўлмаган абонентлар ҳозирча энергия истеъмоли бозорида мавжудлар, бироқ энергия таъминоти корхоналари ходимларининг айтишича, уларнинг улуши бугунги кунда жуда озчиликни ташкил этади. Шундай бўлса-да, улар билан электр энергияси учун ҳисоб-китоблар қандай амалга оширилиши керак деган савол қоляпти. Қоидаларда бу ҳақда нима дейилади? Унинг 65-бандига кўра электр энергиясининг ҳисоби истеъмолчининг айбисиз вақтинча бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб ҳисобга олиш бузилгунга қадар аввалги ҳисоб-китоб даврининг ёки ҲТЭК қарорига кўра ҳисоб тиклангандан кейин келувчи даврнинг ўртacha суткалик харажати бўйича амалга оширилади. Электр энергиясининг ўртacha суткалик харажати бўйича ҳисоб-китоб даври 1 ойдан ошмаслиги керак, унинг мобайнида ҳисоблагич ўрнатилиши ва ҳисобга олиш тикланиши керак. Агар ҳисоб-китоб қиласидаги ҳисобга оловчи асбобни кўрсатилган муддатда объектив сабабларга кўра тиклаш мумкин бўлмаса, электр энергияси учун ҳисоб-китоб тартиби ва ҳисобни тиклаш муддати истеъмолчи билан ҲТЭК ўртасидаги ўзаро келишув бўйича ўрнатилиши керак.

Мамлакатда ўтказилаётган электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими модернизацияланиб, вазият ўзгармоқда. Ушбу йўналишнинг устуворликларини белгиловчи дастурий ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 5.06.2009 йилдаги 150-сон қарори² (бундан кейин – 150-сон Қарор) ҳисобланади. Ўзбекистонда электр энергиясини ҳисобга олишнинг эски индукцион асбобларини босқичма-босқич алмаштириш ва АСКУЭга уланадиган замонавий электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш йўли танланган. Ушбу жараён жадвал бўйича юритиляпти. Кўп квартирали уйни автоматлаштирилган ҳисоб тизимиға улаш учун уй бутунлай замонавий ҳисоблагичлар билан жиҳозланиши керак. Уларга эга бўлмаган, шунингдек носоз ҳолатдаги ҳисобга оловчи асбобларга эга бўлган абонентлар замонавий электр ҳисоблагичларни ўз ҳисобларидан

ўрнатишлари керак.

ТЭК инспекторлари электр энергиясидан ҳисоблагичсиз фойдаланаётган истеъмолчиларни аниқладилар, уларни ўрнатиш зарурлигини тушунтиридилар, қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавоб беришга тўғри келиши хусусида огоҳлантиридилар. Қўшнилар бу ҳақда жиддий ўйлаб қолдилар ва Учтепа ТЭКга йўл олдилар. У ерда нафақат электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш ва ишлатиш билан боғлиқ саволларга жавоб олдилар, балки мамлакатнинг энергетика секторида ўтказилаётган ислоҳот тўғрисида ахборот ҳам олдилар.

Истеъмолчиларни эски ҳисобга оловчи асбоблар кимнинг ҳисобидан алмаштирилиши кераклиги масаласи ташвишлантирали. 150-сон Қарорнинг 5-банди ва Қоидаларнинг 103-бандига кўра майший истеъмолчиларда (жисмоний шахсларда) эски ҳисоблагичларни алмаштириш ва АСКУЭга уланадиган замонавий электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш “Ўзбекэнерго” ДАК корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бироқ шуни назарда тутиш позимки, бунда соз ҳолатда бўлиши керак бўлган эски ҳисоблагичларни алмаштириш тўғрисида сўз боряпти. Агар эски ҳисоблагич чизмасида бузилишлар аниқланса ёки у носоз ҳолатда бўлса ёхуд умуман йўқ бўлса ёки истеъмолчи ҳисоблагични навбатдан ташқари ўрнатишни хоҳласа, абонент ҳисобга оловчи асбобни ўз ҳисобидан харид қиласи. Қоидаларнинг 103-бандида белгиланишича, уй-жой мулқдорлари замонавий электр ҳисоблагичларни ўз пулларига ҳамда янгидан электр тармоқларга уланадиган уйлар ва квартиralарда харид қиласидилар. Ҳисобга оловчи электрон асбобларни ўрнатиш эса бепул амалга оширилади.

Ҳисобга олиш ва назорат тизимини модернизациялаш етказиб берувчилар ва истеъмолчиларга нима беради? Энергетиклар учун бу – электр энергияси талафотларини камайтириш, ҳисоб ва назорат тизимини такомиллаштириш, энергия истеъмоли тўғрисидаги бутун ахборотни абонентдан етказиб берувчига масофадан туриб узатиш ва унга ишлов бериш имконияти. Истеъмолчилар учун аввало бу – етказиб берувчилар билан маърифатли ўзаро ҳисоб-китоб қилиш демак.

Яна бир муҳим масала: электрон электр ҳисоблагични қаердан сотиб олган маъқул ва хато қилмаслик учун уни қандай танлаш керак? “Ўзстандарт” агентлигига сертификациядан ўтган ва мувофиқлик сертификатига эга бўлган ҳисобга оловчи асбоблар қўллашга киритилади. Энергия таъминоти ташкилотлари истеъмолчиларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, АСКУЭга мослаштирилган электрон ҳисоблагичларни ўрнатишни тавсия этадилар. Уларни пойтахтда фаолият юритаётган “Elektron Xisoblagich” МЧЖ ҚҚ ишлаб чиқаради. Шуниси жуда муҳимки, корхона истеъмолчиларга 3 йил мобайнида сифат кафолати тақдим этади, сервис хизмати кўрсатади.

Ўз ҳисобига электрон электр ҳисоблагичларни ўрнатишнинг қадамма-қадам механизми ҳақида ўз амалиётимиздан келиб чиқиб алоҳида материалда сўз юритамиз. Бунда шуни таъкидлашимиз позимки, Учтепа ТЭКда ўрнатишдан олдинги таомил осойишта, амалий тусда, бюрократик сансалорлик ва навбат кутишларсиз, истеъмолчиларга эътибор ажратган ҳолда ўтди. Дарвоқе, ҳисоблагичларни ўрнатишнинг ўзи ҳам шундай бўлди. ТЭК ходимларини ўз навбатида йўлагимида яшовчиларнинг онглилиги ҳайратга солди. Квартира мулқдорларининг тенг ярми (12 тадан 6 таси) бир вақтнинг ўзида замонавий электр ҳисоблагичларни ўз ҳисобларидан ўрнатди. Ислоҳот билан ҳамқадам бўлишга қарор қилишди. ◉

¹ВМнинг 29.08.2009 йилдаги 245-сон қарорига 1-илове.

²ВМнинг “Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиши тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.



КВАРТИРАДА ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧ ЎРНАТИШ МУМКИНМИ?

? Ўз вақтида зинапоя хонасидаги шчитда жойлашган индукцион электр ҳисоблагичимни ўғирлашган эди. Ҳозир мен ўз ҳисобимдан электрон ҳисоблагич сотиб олдим. Мен уни йўлакда эмас, балки ўғирламасликлари учун квартирада ўрнатиш имконими? Зеро ҳисоблагич – менинг мулким, мен эса уни ўз хоҳишимига кўра тасарруф этиш ҳуқуқига эгаман.

Г.Морозова.

– Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари (ВМнинг 22.08.2009 йилдаги 245-сон қарорига 1-илова, кейинги ўринларда – Қоидалар) 44-бандида кўп хонадонли уй-жойларда ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилиш жойлари белгиланган. Улар ҳар бир хонадонга йўлаклардаги зинапояларда электр шчитлари каби махсус ажратилган жойларда ўрнатилади. Бу ерда электр тармоғининг энергия таъминоти ташкилоти билан истеъмолчилар (жисмоний шахслар) ўртасида тегишлиликни бўлиш чегараси ўтади, ҳудудий электр тармоқлари

корхонаси билан абонент ўртасида ҳисоб-китоблар учун энергия ҳисоби юритилади.

Электр ҳисоблагичлар назоратчилар кўрсатмаларни текшириши учун қулай ҳамда уларнинг ишига ноҳалол абонентларнинг ғайриқонуний арапашуви имкониятини истисно этадиган жойларда ўрнатилиши керак. Замонавий электрон ҳисоблагичларнинг ўғирланишига келсак, истеъмолчи бундай ўғриликдан ҳимояланган, чунки ушбу ҳисобга олиш асбобларини қайтадан ишлатиб бўлмайди.○

ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧ НОСОЗЛИГИДА КАФОЛАТ МУДДАТИ

? Электрон электр ҳисоблагичларга кафолат муддатини ким белгилайди ва бу ҳақдаги ахборот қаерда кўрсатилиши керак?

Ш.Ҳамидов.

– Электрон электр ҳисоблагичларга кафолат муддатларини ишлаб чиқарувчи завод белгилайди. Улар паспортда ёки уни қўллаш бўйича йўриқномада кўрсатилиши керак. Ҳисоблагич сотиб олинаётганда истеъмолчига мувофиқлик сертификати ҳам тақдим этилиши


лозим, у сифат кафолати, товар синовдан ўтганлиги, ДСТ талабларига мувофиқ келиши, ЎзР давлат ўлчов воситалари реестрида рўйхатдан ўтказилганлиги ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланишига рухсат берилганлиги тасдиғи ҳисобланади.

* * *

? Мен "Elektron Xisoblagich" МЧЖ ҚК ишлаб чиқарган, бир фазали кўп функцияга эга DDS28i электрон электр ҳисоблагичини сотиб олдим. Товар паспортида фойдаланишининг кафолат муддати буюртмачига юклаб жўнатилган кундан бошлаб 36 ойни ташкил этиши кўрсатилган. Агар кафолат муддати мобайнида ҳисоблагичда носозликлар аниқланса, башарти завод пломбалари сақланган бўлса, ишлаб чиқарган заводга қайтарилади. Ишлаб чиқарувчининг айби тасдиқланса, ҳисоблагич таъмирланиши ёки алмаштирилиши керак. Бироқ қўллаш бўйича йўриқномада кафолат мажбуриятлари бир қадар бошқача талқин этилган. Унда айтилишича, ишлаб чиқарувчи завод товар сифати учун ҳисоблагич тайёрланган пайтдан бошлаб жавобгар бўлади: 1 йил мобайнида уни алмаштиради, 3 йил мобайнида кафолатли таъмирлайди. Бундай турлича талқин ноаниқлик туғдиради. Кафолат муддати қандай – у тайёрланган ёки сотилган пайтдан бошлаб ҳисобланадими? Ҳисоблагичнинг сифати бобида муаммалар юзага келса, қандай ҳужжатга асосланиши керак: техник паспортгами ёки йўриқномага?

С.Зубарев.

– "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг (26.04.1996 йилдаги 221-1-сон) 11-моддасида белгиланишича, кафолат муддати товар сотилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Кафолат мажбуриятларидан фойдаланиш зарурати юзага келганда истеъмолчи техник паспортга амал қилиши керак. У ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши учун шароитлар яратадиган ҳужжатdir. Ишлаб чиқарувчининг унда қайд этилган кафолатлари корхона муҳри билан мустаҳкамланган бўлади.○



ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧ ҚАЧОН ҚИЁСЛАНАДИ?

? Менга 2013 йил июнда электрон электр ҳисоблагич ўрнатилди. Техник паспортда кўрсатилган уни чиқариш ва ўтказилган текшириш санаси – 2012 йил ноябрь. Мен кейинги қиёслаш муддатини қандай белгилашим керак: ҳисоблагич ўрнатилган пайтдан бошлабми ёки ишлаб чиқарувчи ўтказган метрологик синовлар пайтиданми?

Б.Умарова.

– Қиёслаш – давлат метрология хизмати органлари (бошқа ваколатли органлар, ташкилотлар) томонидан ўлчов воситаларининг белгиланган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида бажариладиган операциялар мажмудидир. Уни ўтказиш зарурлиги “Метрология тўғрисида”ги Қонун (28.12.1993 йилдаги 1004-XII-сон), Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида (ВМнинг 22.08.2009 йилдаги 245-сон қарорига 1-илова, кейинги ўринларда – Қоидалар) назарда тутилади.

Қоидаларнинг 48-бандида белгиланишича, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини вақти-вақти билан қиёслашдан ўтказиш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган муддатларда, албатта ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакили иштирокида истеъмолчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши керак.

Электрон ҳисоблагичлар учун қиёслашларо оралиқ Мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиладиган ўлчов воситаларининг номенклатура рўйхати (“Ўзстандарт” агентлигининг бош директори томонидан 1.02.2007 йилда тасдиқланган) билан белгиланади. У 4 йилни ташкил этади. Агар техпаспортда ҳисоблагичнинг би-

ринчи давлат қиёслаши ишлаб чиқарувчи завод томонидан 2012 йил ноябрда ўтказилганлиги кўрсатилган бўлса, демак, кейинги қиёслашни истеъмолчи 2016 йил ноябрда ўз ҳисобидан ўтказиши керак.○




ЭЛЕКТР ШЧИТНИ КИМ ТАЪМИРЛАЙДИ?

? ҲЭТК ходимларининг айтишича, электрон электр ҳисоблагични ўғирлаш деярли мумкин эмас. Ўрнатиш чогида улар рўйхатдан ўтказилади, реестрга, маълумотларнинг электрон базасига киритилади. Улардан бошқа абонентлар қайтадан фойдалана олмайдилар – дарҳол бу ҳақда ахборот пайдо бўлади. Бироқ бизни огоҳлантиришларича, муаммоларга йўл қўймаслик учун ҳисоблагичлар бегоналар қўли етмайдиган жойда бўлиши, зинапоя хоналаридаги электр шчитлар қулфланиб қўйилиши керак. Бизнинг электр шчит кўпдан буён таъмирга муҳтож. Уни ким тартибга келтириши керак? Уй аҳли.

– Кўп квартирали уй-жойларнинг зинапоя майдончаларидаги электр шчитлар ХУМШ аъзоларининг умумий мол-мулки ҳисобланади. Демак, уларни лозим ҳолатда сақлаш – ширкатнинг хос ҳуқуки. ХУМШ

аъзоларининг умумий йигилишида квартиралар мулкдорлари шчитлар таъмирини ишлар режасига киритишлари ва бошқарувдан ушбу ишни бажаришни талаб қилишлари мумкин. Бироқ умумий амалиёт шундайки, ширкатда шчитларга қўллари етиб бормайди – уларнинг кўпчилигига устувор ишлар учун маблағлар етишмайди. Ҳисоблагичларнинг сақланишини таъминлаш учун зинапоя хонасига алоқадор қўшнилар кўпинча шчитларни ҳамкорликда, ўз ҳисобларидан тартибга келтирадилар. Бироқ улар мукаммал таъмирини талаб қилса, бу салмоқли харажатларни талаб қилиши мумкин. Шунда ХУМШ умумий йигилишининг қарори билан яшовчиларнинг мажбурий бадалларини қисман қайта ҳисоб-китоб қилиши мумкин. “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонуннинг (12.04.2006 йилдаги ЎРҚ-32-сон) 30-моддаси бунга имкон беради, бироқ бунда муайян механизмга риоя этилиши керак.

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари (ВМнинг 22.08.2009 йилдаги 245-сон қарорига 1-илова) 98-бандига биноан электрон ҳисобга олиш асбобларининг сақланиши учун ХУМШ жавоб беради. Улар шикастланган ёки ўғирланган тақдирда ХУМШ асбобларни ўз ҳисобидан тикилаши шарт. Бироқ амалиётда ушбу меъёр ишламайди.○



“АҚЛЛИ” ҲИСОБЛАГИЧ. УНИНГ КҮРСАТМАЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ОЛИШ МУМКИН?

?

Ўз ҳисобидан электрон электр ҳисоблагич ўрнатдим. Электромонтёр электр энергияси истеъмоли кўрсатмаларини қандай қилиб олишни кўрсатди. Бироқ ҳисобга олиш асбоби дисплейи экранида бошқа маълумотлар ҳам акс этади. Улар нимани англатади ва уларнинг қайси бирлари истеъмолчи учун фойдали бўлиши мумкин?

Раъно С.

— Эски баҳайбат индукцион электр ҳисоблагичлардан фарқли равишда замонавий электрон ҳисобга олиш асбоблари жуда ихчам ва кўп функциялидир. Улар кўпроқ абонентга электр энергияси истеъмоли тузилишини тушуниб етишда, ҲЭТК ходимларига эса ундан фойдаланилишини самарали назорат қилишда ёрдам берадиган мўъжаз калькуляторни эслатади. Эски индукцион электр ҳисоблагичлар битта кўрсаткични – қанча “ёнганлик”ни кўрсатган. Замонавий электрон ҳисобга олиш асбоблари истеъмол қилинаётган электр энергиясини аниқ ҳисобга олишда қўл келадиган параметрларнинг бутун бир мажмуидир. Ушбу “вундеркиндлар” соз ишчи ҳолатда 2 турда: автоматик ва қўлда маълумотларни ҳосил қилди. Унинг дисплейида бир неча сония оралиғида турли позициялар: ҳисоблагичнинг рақами, унинг куввати, жорий вақт, сана, истеъмол қилинаётган электр энергиясининг умумий микдори ва бошқалар акс этади. Электроника маълумотлар архивини яратади, пухта хотирага эга: масалан, ўтган ва ундан олдинги ойлар истеъмоли маълумотларини сақлади. Электр

энергияси учирилганда хотирада барча асосий ахборот сақланади. Зарур параметрларни қўлда, тугмачани босиб ҳам олиш мумкин, шундан сўнг ҳисоблагич автоматик режимга ўтади.

“Ақлли” ҳисоблагични чув туширишнинг имкони йўқ деярли. Истеъмолчиларнинг кўрсатмаларни камайтириш учун замонавий электр ҳисоблагичлар ишига аралашуви истисно этилган. Симлар узилганда ва бошқа симлар уланганда, фазали ва нолли симлар бўйлаб ўғирлашда ускуна буни дарҳол аниқлайди ва бундай бузилишларнинг олдини олади. Ҳисоблагич ўғирликларнинг умумий вақтини, электр энергиясини ўғирлашнинг охирги 5 ҳодисаси бошланишини ёзиб олади.

Унинг нормал ишлашида истеъмолчига битта позиция – электр энергиясининг жорий истеъмоли етарлидир. Муаммолар юзага келганда аввалги ойлардаги кўрсатмалар аниқлик киритишида ёрдам беради. Қолган барча параметрлар эса электр энергияси истеъмоли ва ҳисоблагич ҳолатини назорат қилувчи ҲЭТК ходимлари учун яққол ва батафсил ахборот беради. ©

ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШДАН БОШ ТОРТЯПТИЛАР

?

2009 йилда уйимиз базасида мустақил ширкат ташкил этилди. З йилдан кейин менга умумий мол-мulkни сақлашга мажбурий бадаллар нотўғри ҳисоблаб ёзилганлигини аниқладим. Ҳисоб-китобларимга кўра, ушбу вақт ичida ортиқча тўлов 130 000 сўмдан кўпроқни ташкил этган.

Мен ХУМШга аниқланган ортиқча тўлов тўғрисида ариза ёзиб, унга БТИдан олинган квартира режасининг ксеронусхаси ҳамда 2009 йилдан бошлаб 2013 йил I чораги ҳам кирган квитанцияларни илова қилдим. Аризада ортиқча тўлов суммасини 2013 йил учун мажбурий тўловлар ҳисобига киритишини сўрадим. Ортиқча тўлов далилини ХУМШ раҳбарияти тан олганлигига қарамай, қайта ҳисоб-китоб қилишдан бош тортишди. Буни 2012 йил мобайнида ширкатда раҳбарият уч маротаба ўзгарганлиги ва унинг хатолари учун ХУМШнинг ҳозирги раҳбарлари жавоб беришга мажбур эмаслиги билан асосладилар. Кўринадики, коммунал хизматлар хатога йўл қўйилганда истеъмолчиларга қайта ҳисоб-китоб қилиб берадилару, ширкат бундай қилмас экан. Мен ХУМШ аъзоларининг ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлишига ҳақ тўлашим керакми? Менинг талабларим тўғрими, пулимни қандай қилиб қайтариб олишим мумкин?

Н.Петрова,
Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани.

— Хатда умумий мол-мulkни сақлашга ойлик мажбурий бадалларни ортиқча тўлашга қандай сабаб билан йўл қўйилганлиги аниқ кўрсатилмаган. Сизнинг ёзишингизча, ортиқча тўлов далилини асослаб, ширкат раҳбариятига БТИдан ўз квартирангиз режасини ва бадаллар тўланганлиги бўйича квитанцияларни тақдим этгансиз. Ҳисоблашдаги хато жой майдони ўлчамининг нотўғри кўрсатилганлиги билан боғлиқ дейиш учун асос бор. Чамаси, ширкат бухгалтериясида турар жой майдони БТИ хужоатларидағига қараганда кўпроқ кўрсатилган. Бундай ҳолда ширкат раҳбарларининг раҳбарият ўзгарганлиги туфайли нотўғри ҳисобланган бадалларни қайта ҳисоб-китоб қилишдан бош тортиши асоссизdir. Зеро сиз қаердалиги

номаълум бўлган мансабдор шахсга эмас, балки юридик шахс – ХУМШга талаб қўйяпсиз, зеро сиз унга бадалларни ўз вақтида тўлаб, ширкат аъзоси сифатидаги мажбуриятларингизни вижданан бажариб келаяпсиз.

Сиз ширкатга 2 нусхада ариза ёзиб, унда ортиқча тўлов қилинганлигини асослашингиз ва қайта ҳисоб-китоб қилишларини талаб қилишингиз керак. ХУМШда рўйхатдан ўтказилган иккинчи нусхани ўзингизда қолдиринг. Аризада қайта ҳисоб-китоб қилишдан бош торган тақдирда ширкат уни ёзма шаклда асослаши ва сизга бериши кераклигини кўрсатиш лозим. Хатда бош тортилган тақдирда судга мурожаат қилиш хукуқини ўзингизда қолдиришингизни кўрсатишингиз мумкин. ©



ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧ ЎРНАТАМИЗ: ИСТЕММОЛЧИЛАР УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1-ҚАДАМ. Сиз электрон электр ҳисоблагични ўз ҳисобингиздан ўрнатишга қарор қилдингиз. Нима қилиш ва ишни нимадан бошлаш керак? Кўшнилар, танишлар ёки ХУМШ ходимларининг маслаҳатларига амал қилиб ўтирунг. Ўз туманингиздаги ТЭКга боринг, бу ерда сизга электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш механизми тўғрисида тўлиқ ахборот берадилар.

2-ҚАДАМ. “Ўзстандарт” агентлигига сертификациядан ўтган электр ҳисоблагичларни кўллашга рухсат берадилар. Истеъмолчи жисмоний шахсларга электр таъминоти ташкилотларининг ходимлари Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)га мувофиқ келадиган, бир фазали кўп функцияга эга DDS28u электр энергияси электрон ҳисоблагичини харид қилишни тавсия этадилар. Уни яхшиси ишлаб чиқарувчидан сотиб олинг. Тошкентда бу - “Elektron Xisoblagich” МЧЖ ҚКдир (тел. 291-79-01).

Баъзилар арzonроқ тушадиган вариантни танлайдилар – Россиянинг бир фазали “Меркурий-201” электр ҳисоблагичини ўрнатадилар. Бироқ ушбу ҳисоблагичлар АСКУЭга мувофиқ келмайди ва келгусида автоматлаштирилган тизимга мувофиқ келадиган ҳисобга олиш асбобини ўрнатиб, яна харажат қилишга тўғри келади.

Ҳисоблагич билан бирга сизга кўллаш бўйича йўриқнома, техник паспорт, мувофиқлик сертификатини (ҳисоблагич Давстандарт органларида сертификатланиши керак) беришлари керак, улар сифат, ҳисобга олиш асбобини таъмирлаш чоғида ҳимоя қилиш ёки алмаштиришни кафолатлади. Касса чекини олишни унутманг – у муаммолар юзага келганда керак бўлиши мумкин.

Ҳисоблагични бозорда арzon нархда сотадиган тасодифий кишилардан харид қилиш керак эмас. Пулни тежайман деб товламачиларга дучор бўлишингиз, ортиқча ташвиш орттириб олишингиз мумкин – бозордаги ҳисобга олиш асбоблари сифатсиз, сертификатланмаган, контрафакт бўлиши мумкин.

3-ҚАДАМ. ТЭКга борамиз. Ўзимиз билан ҳисоблагич, мувофиқлик сертификати, техник паспорт ва электр энергияси учун ҳақ тўланганлиги қайд этилган охирги квитанцияларни оламиз.

4-ҚАДАМ. Абонент бўлимига учраймиз. Оператор электр энергиясига ҳақ тўлаш бўйича қарзингиз бор-йўқлигини текширади. Агар бўлса, уни сўндириш лозим – акс ҳолда ҳисоблагич ўрнатишдан бош тортадилар. Қарз сўндирилгандан кейин ТЭК муҳандиси ҳисобга олиш асбобини ўрнатишга наряд очади. Унинг бир нусхаси истеъмолчига,

бошқаси эса электромонтёрларга берилади.

5-ҚАДАМ. ТЭК ходими ҳисоблагичнинг завод рақамига мувофиқ келиши, мувофиқлик сертификати борлигини текширади, уни рўйхатдан ўтказади. Шу пайтдан бошлаб электр ҳисоблагичингиз ҳисобга қўйилади.

6-ҚАДАМ. Ҳисоблагич ариза берилган кундан бошлаб бир ҳафта мобайнида ўрнатилади. Электромонтёрлар бу ҳақда абонентни телефон орқали олдиндан хабардор қиласидилар.

Ҳисоблагични ўрнатиш олдиндан йўлакдаги зинапоя майдон-часида жойлашган электр шчит соз бўлиши, чет кишилардан қулф билан ёпилиши тадоригини кўринг. Шуни назарда туингки, янги электр ҳисоблагични ўрнатиш ва эскисини демонтаж қилиш – ТЭК ходимларигагина хос бўлган ҳуқук. Агар бу ишга бошқа шахслар киришсалар – бу қонунчиликни бузиш ҳисобланиб, сизда жиддий муаммолар юзага келиши мумкин.

Ҳисоблагични ўрнатишда электромонтёрлар 2 нусхада далолатнома тузадилар, уларнинг бирини истеъмолчига берадилар. Унда демонтаж қилинган ва янги ҳисоблагичлар тўғрисидаги барча маълумотлар (тури, рақами, олиш ўрнатиш пайтидаги кўрсаткичлар, Давстандарт ва ТЭК пломбаларининг рақамлари) акс эттирилади. Охирги босқич – ҳисобга олиш асбобини пломбалаш. Ана шу пайтдан бошлаб ҳисоблагичингиздан фойдаланишга рухсат берилади.

Сўнгра электромонтёрлар янги ҳисоблагич ишини текширадилар, далолатномада унинг нормал ишлаётганлигини қайд этадилар. Абонентга электр энергияси истеъмоли учун кўрсатмаларни қандай олишини, унинг дисплейида акс этадиган бошқа маълумотлар нимани билдиришини тушунирадилар.

7-ҚАДАМ. ТЭКга электр энергияси учун тўлов суммасини солиштириш ёки қайта ҳисоб-китоб қилиш учун (бўнак тўловлари чоғида) борамиз. ◉



YORDAM – УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХҮЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИДА МОБИЛ ЁРДАМЧИ

Икки ҳафтадирки, уйингиз ёнидан чиқиндилар олиб чиқилмаса ёки йўлакда лифт ишламай, тўққизинчи қаватга пиёда чиқишингизга тўғри келаётган бўлса, боз устига, бу борадаги хат ва мурожаатларингиз иш бермаётган бўлса, нима қилиш керак? Бунда ахборот технологиялари ёрдамга келиши мумкин.



Бу нарсанинг ўзи нима? Yordam – Android операцион тизими учун мобил илова бўлиб, у туфайли ўзбекистонлик фуқаролар давлат органларини шаҳарда юз берган воқеа ва ҳодисалар тўғрисида телефондаги фотосуратларни илова қилган ҳолда, матнли ёзув ва жойлашган ерни харитада белгилаш орқали тезкорлик билан ва осон хабардор қилишлари мумкин.

СЎЗ – ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАРГА

Биз лойиҳа ижодкори ва раҳбари Георгий Амиранашвили билан сұхбатлашдик.

– Лойиҳани яратиш ғояси қандай туғилди?

Yordam лойиҳасини яратиш ғояси Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази UZINFOCOM вакиллари билан узоқ давом этган мулокотдан кейин туғилди. Шуни таъкидлаш лозимки, марказ билан биз узоқ вақтдан бүён бирга ишлапмиз. У ерда ҳақиқатан ҳам жуда билимдон ва малакали йигитлар жамланган. Мобил иловани биз, унинг веб-қисми – e-kommunal.uz порталини эса UZINFOCOM мутахассислари ишлаб чиқиши.

– Бугунда илова ишининг натижалари тўғрисида нима дейиш мумкин?

– Биз мазкур мобил илова қандай

самара беришини кўриш учун маҳсус равишда бета-версияни ишга туширдик. Кишилар ундан фаол равишда фойдаланаётганликларини билиб мамнун бўлдик. Ҳокимликлар ва Вазирлар Маҳкамаси буғунги кунда УКХ соҳасини фаол назорат қиляптилар. Бошқача айтганда, улар ҳамма юқори даражада ишлайдан манфаатдордирлар. Мазкур жараён ёпиқ ҳисобланмайди, шу туфайли самара ҳам бор. Зоро, агар муаммо ҳал қилинмаса, у барибир муаммолигича қолаверади, айни уни ҳал этишни давлат жуда синчковлик билан кузатади.

– Сизнингча, мамлакатда УКХ муаммолари қанчалик жиддий ва ахборот технологиялари воситасида у билан қандай курашиш мумкин?

– Муаммолар анча жиддий. Зоро лойиҳа бўш жойда эмас, балки бирор-бир муҳим вазифани ҳал этиш учун яратилади. Замонавий

мобил телефонлар ҳозир оммавийлашиб боряпти, мобил иловалар эса у ёки бу вазифани тезкорроқ ҳал этиш имконини беради.

Муаммоларни глобал ҳал этишга келсак, уни давлат тузилмаларининг ёрдами ва қўллаб-куватлаши билан ҳал этиш мумкин. Агар давлат қўллаб-куватламаса, биргина ташаббускорлик билан жиддийроқ нарсага эришиш қийин. Агар кишилар, мисол учун, йўллардаги чуқурликларни суратга олсалар, фотосуратларни юборсалар ва feedback - қайтар алоқага эга бўлмасалар, улар иловадан фойдаланмай кўядилар.

Тегишинча, ушбу масалада муайян ҳуқуқбузарликлар ва камчиликларни кузатиш учун жавоб берадиган давлат тузилмалари билан чамбарчас алоқада ишлаш лозим. Ўйлашимча, ҳамма нарса биргаликдаги фаолиятга боғлиқ.©

ICTNews журнали, 12-сон.

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИБ...

Бугунги кунда юртимизда коммунал хизмат соҳасида кўплаб муаммолар учраб тургани сир эмас. Мамлакатимизда уларни ўз вақтида ҳал этиш бўйича барча чора-тадбирлар кўриляпти. Хусусан, давлат идоралари билан бирга нодавлат ташкилотлари ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшияпти.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Наманганд вилояти худудий бошқармаси томонидан қўмитанинг 2013 йил 10 июндаги буйруғига асосан худудий бошқарманинг буйруғи қабул қилинди.

Унга кўра, коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар билан соҳадаги муаммоларни тезлик билан жойида ҳал этишни амалга ошириш мақсадида ҳар бир хизмат кўрсатувчи ташкилотларда қабул кунларини ташкил этиш бўйича график ишлаб чиқилди.

Пойтахт ҳокимияти Жаҳон банкининг эксперталари билан ҳамкорликда «Тошкент шаҳридаги 8-сонли иситиш марказини (ИМ) иссиқлик билан таъминлашнинг ёпиқ тизимида ўтказиш (1-босқич)» лойиҳасини амалга ошириш масалаларини ишлаб чиқмоқдалар.

СЕРГЕЛИ “ЯНГИЧА” ИСИТИЛАДИ

Тошкент шаҳрининг туманларидан бирида иситишнинг экспериментал тизими жорий этиладиган бўлди.

Ушбу ИМ Сергели-1-8А, Йўлдош-8, 15-17, Дўстлик-1-2 массивларига ҳамда Янги Сергели йўли, Мехригиё, А.Ахматова, Қипчок, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Кўргонтепа кўчаларига хизмат кўрсатади.

Лойиҳага биноан қозонхоналарни улар самародорлигини 90%га оширган ҳолда реконструкция қилиш, иссиқликни таъминлашнинг эскирган тармоқларини алмаштириш, очиқ тизимдан ёпиқ циклга ўтказиш, марказий иссиқлик таъминоти тизимларига уланган барча биноларда индивидуал иссиқлик кичик станциялари ва иссиқликни ҳисобловчи ўлчагичларни ўрнатиш назарда тутилган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳанинг қиймати \$69,51 млн ни ташкил этади. Лойиҳанинг амалга оширилиши 134,1 минг Гкал ҳажмдаги иссиқлик қувватини иқтисод қилиш, шунингдек атмосферага чиқиндиларни қисқартиришга имкон яратади. О

e-kommunal.uz сайтидаги материал асосида.

Мазкур график бўйича жойларда фуқаролар қабулини ташкил этиш бўйича худудий бошқарманинг 11 нафар ходими, шунингдек, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Наманганд вилояти худудий бирлашмаси ҳамда унинг шаҳар ва туман жамиятлари раисларидан иборат гуруҳ тузилди. Графикка асосан коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарда худудий бошқарма ва вилоят Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорликда соҳадаги муаммоларни тезкорлик

билан жойида кўриб чиқиш юзасидан жорий йилнинг 1 сентябрь кунига қадар жами 528 нафар фуқаро қабул қилинди. Улардан 184 нафарининг муаммоси бўйича ўрганиш ўтказилди ва шикоятлари жойида ҳал этилди, пировардида истеъмолчиларнинг фойдасига 8157,1 минг сўм маблағ ундирилди. Бундан ташқари 2 нафар кишининг ёзма мурожаати худудий бошқармада ҳамда 1 нафар истеъмолчининг шикояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят худудий бирлашмасида қайд этилиб, ижроси назоратга олинди. Шу билан бирга, 3 нафар фуқаронинг аризаси бўйича бошқарманинг аризаси бўйича бирлашмасида 338 нафар кишининг муаммолари юзасидан тегишли тушунтиришлар берилди.

Ҳозирда ҳам ушбу тадбирлар давом эттирилиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш учун барча чоралар кўриляпти. Энг асосийси, амалга оширилаётган бундай ишлар одамларнинг мушкулини ҳал қилишга ёрдам бермоқда. О

КОММУНАЛ СОҲАДА ШИКОЯТЛАР КАМАЙМОҚДА

Бугун фуқаролардан давлат идоралари ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг жойлардаги бирлашмаларига келиб тушаётган аризаларнинг кўпчилигини коммунал хизмат соҳасидаги муаммолар ташкил қилмоқда.

Давлат рақобат қўмитасининг 2013 йил 10 июндаги буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилояти худудий бошқармасининг алоҳида буйруғи қабул қилинди. Унга кўра, коммунал соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича мутахассислар шаҳар ва туманларга бирриклирлган. Айни пайтда улар жойлардаги аҳолига электр энергияси, иссиқлик таъминоти, газ ва ичимлик суви етказиб берадиган корхоналарда бўлишиб, истеъмолчиларнинг тўлов жараёнидаги муаммоларини ечишда ёрдам беришти.

Масалан, шу кунгача ана шундай тарзда 92 нафар фуқаро мутахассислар томонидан қабул қилиниб, уларнинг шикоятлари атрофлича ўрганилди. Натижада фуқароларга нисбатан ҳисобланган 15 млн 864 минг сўм миқдоридаги асосизз

қарздорлик истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди. Мазкур мурожаатларнинг 58 таси газ таъминоти, 34 таси эса электр энергияси тармоқлари корхоналари фаолиятига тааллуқлидир. Умуман амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар туфайли кейинги пайтда худудий бошқармага тушаётган шикоят ва аризалар сони 65 фоизга камайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Давлат рақобат қўмитасининг кейинги пайтда фуқаролардан тушаётган шикоят ва аризаларни чукур ўрганиб, таҳлил қилиб, шу асосда коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан қабул қилинган буйруғи асосида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини беряпти. О

istemolchi.uz сайти
материаллари асосида
тайёрланди.

